

**КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР ТИЗИМИДА
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ПОРАХЎРЛИК
ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Бердиев Сурур Кахрамонович

Ўзбекистон Республикаси

Криминология тадқиқот институти

мустақил изланувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада коррупцияга оид жиноятлар тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган порахўрлик жиноятлари учун жазо тайинлаш амалиётини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йилдаги тегишли қарори ҳозирги кун талабларига жавоб бермаслигини таъкидлаб, пора предмети сифатида рақамли активлар ва электрон маблағларни эътироф этиш, шунингдек, автоматлаштирилган тизимлар, ботлар ёки рақамли платформа эгаларининг воситачилик мақомини ҳуқуқий жиҳатдан очиб бериш зарурлигини асослаб берган. Бундан ташқари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик қилмишини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодексининг 56-моддасига киритиш ва электрон пора предмети мусодара қилишда “муқобил мусодара” институтини жорий этиш каби қатор илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: коррупция, порахўрлик, ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли активлар, электрон маблағлар,

криптоактивлар, жазо тайинлаш, оғирлаштирувчи ҳолатлар, муқобил мусодара, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун жазо тайинлашда ушбу қилмишларнинг аввало ғаразли, ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилганига алоҳида аҳамият бериш лозим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида» 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарорида¹ ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун жазо тайинлаш масаласи назарда тутилмаган бўлса-да, порахўрлик жиноятларига оид муносабатларни айрим жиҳатлари кўрсатилган. Хусусан, ушбу Қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 210-моддасидаги “пора олиш” жиноятининг *субъекти* давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахси ҳисобланади. Бундан ташқари, пора берувчининг манфаати учун тегишли ҳаракатларни бажариш ваколатига эга бўлмасада, лекин ўзининг эгаллаб турган лавозими мавқеига кўра пора учун ушбу ҳаракатлар бошқа мансабдор шахс томонидан бажарилиши учун чора кўриш мумкин бўлган *мансабдор шахслар ҳам ушбу жиноятнинг субъекти деб топилиши* лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, *пора предмети* сифатида эса пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин мулкый моҳиятга молик бўлган (*масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар*) хизматлар бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Қарор талабига кўра, суд мансабдор шахс томонидан пора берувчининг манфаати учун қайси ҳаракатларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида» 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1449106> (мурожаат вақти: 10.03.2026).

бажариш ёки бажармаслик эвазига пора олинганлигини *аниқлаши ва ҳукмда кўрсатиши лозим*. Бу ўринда порахўрлик учун жавобгарлик, пора ҳаракат содир қилингандан олдин ёки кейин берилишига боғлиқ бўлмасдан, пора олдиндан келишилганлиги, пора олувчининг манфаати учун бирон-бир ҳаракат бажарилган бўлишидан қатъи назар келиб чиқишини назарда тутиш лозим².

Бундан ташқари, яна қуйидаги қоидалар ўз ифодасини топган:

1) мансабдор шахснинг ўз қўли ёки назорати остидаги шахслардан уларни хизмат юзасидан ҳимоялаш ёки қўллаб туриш, ваколати доирасига кирувчи масалаларни ушбу шахслар манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳал қилганлиги учун улардан пул маблағлари ёки бошқача бойликлар олишини пора олиш деб баҳолаш лозим;

2) бойликлар ёки хизматларни олиш шартлари олдиндан махсус келишилмаган бўлсада, лекин жинойт иштирокчилари пора, пора берувчининг манфаатларини кўзлаб берилаётганлигини англаган ҳолларда ҳам мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари пора бериш ва олиш деб тан олиниши керак.

Эътиборли томони, пора бериш ва олиш учун жавобгарлик ўзганинг мулкани талон-торож, мансаб сохтакорлиги, ҳужжатларни сохталаштириш ва шу каби бошқа жинойтлар билан бир вақтда жинойтлар мажмуи учун жиноий жавобгарликка тортишни мустасно қилмайди;

3) агар тасаввур қилинган пора мансабдор шахс томонидан олинмаган ёки олишдан бош тортилган бўлса, пора беришга ҳаракат қилган шахснинг ҳаракати “пора бериш учун суиқасд қилиш” деб тавсифланиши, борди-ю, берилган пора мансабдор шахснинг ихтиёри ёки унинг топшириғи бўйича бошқа шахслар томонидан қабул

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида» 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1449106> (мурожаат вақти: 10.03.2026).

қилганида ҳам тугалланган жиноят сифатида баҳоланиши лозим ҳисобланади;

4) бошқа шахсга пора бериш йўли билан исталган ҳаракат ёки ҳаракатсизликка эришишни таклиф қилган шахс пора берувчи тариқасида жавобгар бўлади, пора учун келишилган ҳаракатни бажаришга келишган ва порани топширган шахс эса пора беришда иштирокчи тариқасида жавобгар бўлиши лозим. Агарда у таклифнинг моҳиятини билган ҳолда порани фақатгина тақдим этса, унинг ҳаракати порахўрликда воситачилик тариқасида тавсифланиши керак бўлади;

5) пора олувчининг ёки берувчининг топшириғига кўра ҳаракат қилиб пора буюмини бевосита берувчи шахс воситачи бўлишини эътиборга олган ҳолда судлар пора олиш-беришда воситачилик қилишни пора олиш ва беришдан фарқлашлари талаб этилади (*бунда ЖКнинг 212-моддаси бўйича воситачининг ҳаракатини тавсифлашда унинг пора олувчи ёки берувчидан ўз хизмати эвазига мукофот олган-олмаганлиги аҳамиятсиз ҳисобланади*);

6) порани бериш ёки олишни ташкиллаштирувчи, бунга йўналтирилган турли хил фаолият юритувчи ёки бўлмаса пора бериш ёки олишда ёрдамчи бўлган ва бир вақтнинг ўзида воситачилик ҳаракатларини бажарган шахс пора бериш ёки олишда иштирокчиликда жавобгар бўлади. Бунда иштирокчининг ҳаракатини тавсифлаш масаласи у кимнинг манфаатини, ким томонидан ва кимнинг пора берувчинингми ёки олувчининг ташаббуси билан ҳаракат қилганидан келиб чиқиб, унинг қасди нимага қаратилганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади (*бундай ҳолларда ЖКнинг 212-моддаси билан қайта тавсифлаш талаб қилинмайди*);

7) пора олиш, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилишни такрорийлик белгисига кўра тавсифлаш ушбу жиноятнинг ўзини икки маротабадан кам бўлмаган миқдорда содир этилишини ва

улардан ҳеч бири учун шахснинг судланмаганлигини ҳамда жиноий жавобгарликка тортишнинг муддати ўтиб кетмаганлигини тақозо этади *(мансабдор шахснинг бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан пораларни олиши, башарти пора берувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида қилмиш содир этилса, такрорий пора олиш деб тавсифланиши лозим);*

8) жиноятни содир этишда аввалдан, яъни жиноят бошлангунча келишиб олган икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахс иштирок этган бўлса, пора олиш бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир этилган, шунингдек жиноят мансабдор шахслардан лоақал бири пора олган пайтдан эътиборан тугалланган деб ҳисобланади *(бунда пора олувчи шахснинг пора олишида бир неча мансабдор шахслар иштирок этаётганлигини тан олган-олмаганлиги аҳамиятсиз).*

Қолаверса, бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан аввалдан тил бириктириб пора олинганда поранинг миқдори олинган бойликлар ёки мулкӣ манфаатнинг умумий қиймати билан белгиланади, асоссиз равишда олинган нарсаларни давлат фойдасига ундиришда эса, ҳар бир мансабдор шахс олган мулкӣ фойданинг пул миқдоридан келиб чиқиш керак.

Эътиборли томони шундаки, бошқа мансабдор шахс билан аввалдан келишмаган ҳолда пора олиб, кейин поранинг бир қисмини унга берган мансабдор шахс, порани олганлиги учун ҳам, берганлиги учун ҳам, яъни жиноятлар мажмуи учун жавобгар бўлади;

9) жиноятни тавсифлаш пора миқдorigа боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда, ҳар қандай пора предметининг қиймати товарларнинг нархи, хизматларнинг ҳақи ёки тарифи асосида, улар бўлмаганда экспертлар хулосаси асосида аниқланади *(агарда кўп ёки жуда кўп миқдорда ноқонуний тақдирлаш бўлиб-бўлиб олинган бўлса ва бу ҳаракатлар ягона давомли жиноятнинг бир қисми бўлса, содир этилган*

ҳаракатлар тегишлича кўп ёки жуда кўп миқдорда пора олиш деб баҳоланиши лозим);

10) тамагирлик деганда, мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушунилади. Шунинг учун мансабдор шахс томонидан масалан, камомадни кўрсатмаслик, ўқув юртларига тартиб-қоидаларни бузган ҳолда қабул қилиш, жиноят ишини ноқонуний тугатиш ва бошқа ҳолларда пора талаб қилиш ҳаракатларида товламачилик аломатлари мавжуд бўлмайди.

Жиноят кодексининг 210, 211, 212-моддалари 1, 2 ва 3-қисмларида кўзда тутилган белгиларга тушувчи жиноятни ЖКнинг 33-моддасида кўрсатилган қоидаларга асосан шу моддаларнинг 3-қисми билан тавсифлаш керак. Бу ҳолда ҳукмнинг тавсиф қисмида қилмишнинг барча тавсифлаш белгилари ва маҳкумнинг содир этганликда айбдор деб топилган барча ҳаракатлари кўрсатилиши талаб этилади;

11) жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини билдирувчи (тамагирлик, поранинг кўп ёки жуда кўп миқдори) тавсифлаш белгилари жиноят иштирокчиларининг ҳам айбига, агарда бу ҳолатлар уларнинг қасди билан қамраб олинган бўлса, қўйилиши лозим.

Шунинг билан бирга жиноят иштирокчиларининг ҳаракатларини тавсифлашда жиноятнинг бошқа иштирокчиларини таърифловчи (бир неча бор пора олиш, бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, порахўрлик учун судланганлик каби) ҳолатлар инobatга олинмаслиги керак;

12) агар айбдор пора берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб пора тариқасида пул ёки бошқа бойликларни олганида ва бундай

қилмишни хоҳламасдан, уларни ўзлаштириб юборганда, қилмиш фирибгарлик деб тавсифланиши лозим. Бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида қўшимча тавсифланиши керак. Пора берувчининг ҳаракати бундай ҳолларда пора беришга суиқасд деб тавсифланиши лозим бўлади. Бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахс айтилган-айтилмаганлигининг аҳамияти бўлмайди;

13) пора берувчиларни порада товламачилик ёки пора берганлик тўғрисида ўттиз сутка мобайнида ихтиёрий ариза бериш асосларига кўра жиноий жавобгарликдан озод этиш бу шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини билдирмайди (ЖКнинг 211, 212-моддаларига изоҳ). Шу сабабли улар жабрланувчи деб топилмайди ва пора тариқасида берилган бойликларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақли эмаслар.

Пора берганлик тўғрисида ихтиёрий равишда хабар берганлик бир вақтнинг ўзида мансабдор шахс томонидан пора олингани ҳақида ҳам хабар ҳисобланади, шу сабабли судлар ЖКнинг 237-моддасига биноан ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик тўғрисида аризачига тушунтирилган-тушунтирилмаганлигига эътибор беришлари зарур. Агар ёлғон ариза берганлик ҳолати аниқланса, суд аризачини қонуний жавобгарликка тортиш чорасини кўриши керак. Агар жабрланувчи пора талаб қилинганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган бўлиб, тезкор тадбир давомида жабрланувчининг мулкидан пора предмети тариқасида фойдаланилган бўлса, ушбу мулк Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасининг 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозим, бошқа ҳолатларда пора предмети суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади. Порахўрлик тўғрисидаги

ишларни кўраётганда судлар жазо тайинлашда алоҳида ёндашиш тўғрисидаги қонун талабига қаттиқ риоя қилишлари ҳамда токи пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилишда айбдорларга асоссиз равишда енгил ёки бўлмаса қилмишига мос бўлмаган оғир жазо тайинлашга йўл қўйилмасликлари лозим;

14) порахўрлик ҳақидаги ишларни кўраётганда судлар ушбу жиноятларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашга ва уларни хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли ташкилотларнинг тегишли раҳбарларидан бартараф қилишни талаб қилишга мажбурдирлар. Бу ўринда сансоларлик, бюрократлик, ошна-оғайничилик, мансабдор шахслар томонидан ўз ҳуқуқларини бошқа шахсларга назоратсиз бериб қўйиш ҳолларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг порахўрлик ҳақидаги хабарларга нисбатан ҳаракатсизлиги ёки фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва хоҳиш-истакларининг бузилиши ҳолларига муносабат билдирилиши керак. Судлар порахўрлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам умумлаштириб боришлари, ушбу тоифадаги ишларни кўришда йўл қўйилаётган хатоларни ўз вақтида аниқлашлари ва бартараф этишлари лозим»³.

Бироқ, Олий суд Пленумининг юқорида келтирилган қарорини қабул қилинганига 25 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлиб, ушбу давр мобайнида жиноят содир этиш усуллари трансформацияга учради. Аммо афсуски, Пленум қарори ҳамон анъанавий (жисмоний) порахўрлик тушунчаларига асосланмоқда.

Шу асосда, Олий суд Пленумининг қарорда келтирилган қоидалар ахборот-коммуникация технологиялари ривожидан келиб чиқиб

³Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида» 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1449106> (мурожаат вақти: 10.03.2026).

куйидаги жиҳатларни эътиборга олган ҳолда назарий ва амалий таҳлилга муҳтож:

биринчидан, ушбу қарорда пора предмети сифатида “пул, қимматли қоғозлар, моддий бойликлар” кўрсатилган бўлиб, унда зомонавий шароитда криптоактивлар ва рақамли активларнинг ҳуқуқий табиати ушбу қарорда ўз ифодасини топмаган. Шу боис, Пленум қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, “моддий бойликлар” тушунчалари билан бирга “рақамли активлар ва электрон маблағлар” тушунчаларини ҳам акс эттириш зарур ҳисобланади;

иккинчидан, ушбу қарорда “порахўрликда воситачилик” масаласи талқин қилинган, лекин ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этиладиган порахўрликда “автоматлаштирилган тизимлар”, “ботлар”, ёки “рақамли платформа эгалари”нинг воситачилик мақоми ҳуқуқий жиҳатдан очиб берилмаган;

учинчидан, мазкур қарорда жиноятнинг тамом бўлиш вақти бўйича берилган тушунтиришлар фақатгина жисмоний қабул қилишга йўналтирилган бўлиб, электрон транзакцияларнинг ўзига хос хусусиятлари, масалан, транзакциянинг блокчейнда тасдиқланиш вақти эътибордан четда қолган. Шунга кўра, фикримизча, бу Пленум қароридан воз кечиб, Янги Пленум қарорини қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Қарорда юқоридагилардан ташқари, порани электрон тўлов тизимлари ёки криптоактивлар кўринишида беришда, жиноят пора олувчининг электрон ҳамёнига маблағ келиб тушган ва унда ушбу маблағни тасарруф этиш учун рақамли имконият (калит) пайдо бўлган вақтдан бошлаб тамомланган ҳисобланади, деган қоидаларни ҳам киритиш зарур бўлади. Порахўрлик жиноятлари бўйича 367 та иш таҳлил қилинганида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятлар учун жазо тайинлашда ушбу порахўрлик қилмиши ахборот-коммуникация технологияларидан

фойдаланиб қайси усулда содир этилганлиги ҳолатига эътибор қаратилмаётгани, порахўрлик предмети бўлган поранинг олинган ёки олинмаганлиги ҳолатига ва унинг қийматига кўпроқ эътибор берилмаётгани ҳамда ушбу турдаги жиноятлар якка ёки бошқа жиноятлар билан бирга жиноятлар мажмуи сифатида учраётгани аниқланди⁴.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун жазо тайинлаш Жиноят кодексининг 4-моддасига асосан, қачон Жиноят кодексида содир этилган қилмиш учун жавобгарлик назарда тутилган бўлсагина жазо тайинланиши мумкин. Жазо тайинлаш Жиноят кодексининг XI бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Хусусан, Жиноят кодексининг 54-моддасига асосан, жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, аслида ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун ушбу жиноятнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилиши ҳам оғирлаштирувчи ҳолат саналади. Бироқ, бу ҳолат Жиноят кодексида назарда тутилмаган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ёрдамида содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада

⁴ URL: <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL> (мурожаат вақти: 10.03.2026).

кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 30 апрелдаги ПҚ–153-сон қарорига асосан, жиноят содир этишда ахборот технологияларидан фойдаланишни жавобгарликни ҳамда жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаш назарда тутилган. Сабаби Жиноят кодексининг жиноятнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилганда ушбу ахборот-коммуникация технологиялари қилмиш учун “техник қалқон” вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жиноят содир этилишини Жиноят кодексининг 56-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд этиш зарур ҳисобланади. Чунки, жиноятнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилиши жиноятчига тергов органларини чалғитиш, рақамли изларни ўчириш ва жинойй даромадларни легаллаштиришни тезлаштириш имконини беради. Мисол учун, 2024 йилда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган 7 та порахўрлик ҳолатида далилларни йиғиш анъанавий усулларга қараганда 3-4 баробар кўп вақт ва техник экспертиза талаб қилган.

Шунингдек, бу тоифадаги жиноятлар анъанавий жиноятларга қараганда қуйидаги бир қатор фарқли хусусиятларга эга:

1) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятда жиноятчи қурбон (ёки шерик) билан юзма-юз келмасдан масофадан туриб содир этилади ва юқори “латент”лик хусусиятига эга бўлади. Натижада, жиноятнинг очилишини бир неча баробар қийинлашади ва латентлик даражаси ошади. Бу эса, ахборот-коммуникация технологиялари жиноятни яширишнинг замонавий ва хавфли воситаси эканлигидан далолат беради;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноят зарар кўламининг кенглиги ва тезлиги билан бошқа қилмишлардан кескин фарқланади.

Анъанавий порахўрликдан фарқли ўлароқ, ахборот-коммуникация технологиялари, масалан, криптоактивлар ёки электрон тўлов тизимлари орқали маблағларни сониялар ичида чегара билмасдан бошқа давлатларга чиқариб юбориш имкониятига эга. Бу эса давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига етказиладиган зарар ҳажмини ҳам кескин оширади;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар инсон омилини камайтириш орқали ишончсизликни ошириш имкониятига эга.

Жиноятнинг кибермуҳитга кўчиши давлат органларининг ахборот тизимларига бўлган халқ ишончига путур етказади. Агар бу жиноятлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилса, бу нафақат порахўрлик, балки давлатнинг рақамли инфратузилмасига бўлган хужум сифатида баҳоланиши керак бўлади. Шу сабабли, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш айбдорнинг жинойий нияти нақадар пухта ва хавфли эканлигини кўрсатувчи мустақил оғирлаштирувчи белги бўлиши лозим.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-модда биринчи қисмини қуйидаги таҳрирдаги янги «п» банд билан тўлдириш таклиф қилинади:

«п) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жиноят содир этиш».

Жиноят кодексининг 57-моддасига асосан, суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекснинг Махсус қисми моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган

жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин.

Суд шу асосларни эътиборга олиб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида “қўлланилиши шарт” деб кўрсатилган қўшимча жазони тайинламаслиги ҳам мумкин. Содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят содир этиш сабаблари ва шароити, шахснинг жиноятни содир қилгунга қадар ва ундан кейинги хулқ-атвори “жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар” деб топилиши мумкин. Жиноят кодексининг 55-модда биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва 56-моддаёнинг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак. Жиноят кодексининг 57²-моддасига асосан, айбга иқрорлиқ тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак. Жиноят кодексининг 58-моддасига асосан, суд тамом бўлмаган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноят учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятнинг оғир-енгиллигини, жиноий ният амалга оширилишининг даражасини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини ҳам ҳисобга олади.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида **ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиний уюшма аъзоларига** нисбатан қўлланилмайди. Тамом бўлмаган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз. Қолаверса, иштирокчиликда содир этилган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноят учун жазо тайинлашда суд ҳар қайси айбдорнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини ҳисобга олиши лозим.

Ҳар қайси иштирокчининг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эса суд томонидан фақат шу иштирокчининг ўзига жазо тайинлашда ҳисобга олинмоғи талаб этилади. Агарда шахс Жиноят кодексининг 59-моддаси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган ва улардан бирортаси учун ҳам судланмаган бўлса, суд ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлайди. Агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган

жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Бунда узил-кесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан ортиқ бўлмаслиги лозим ҳисобланади. Жиноятлар мажмуи бўйича ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади. Суд жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган асосий жазога айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам қўшиши мумкин, бироқ бунда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазонинг узил-кесил тайинланган муддати Жиноят кодексининг 45-моддасида назарда тутилган энг кўп муддатдан ортиқ бўлмаслиги талаб этилади. Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшиб ҳисобланади. Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади. Бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади. Агар ҳукмлардан бири билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазо турини умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади. Агар ҳукмлардан бири билан узоқ муддатга озодликдан

махрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади.

Бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади.

Илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар эса ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192⁹-192¹⁰, 210-214²-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазо тизимлари назарда тутилганю Қўшимча жазо тариқасида, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади.

Сингапурнинг «Prevention of Corruption Act» (1960) қонунига асосан, пора предмети мусодара қилиниши назарда тутилган⁵, миллий қонунчилигимизда эса, пора предмети тегишли субъектларга қайтарилиши ҳам мумкин. **Буюк Британиянинг «Bribery Act» (2010)** Қонунининг 11-моддасига асосан, порахўрлик қилмиши учун жарима ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган⁶. Бироқ хорижий давлатларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун **ахлоқ тузатиш, мажбурий жамоат ишлари** жазосини қўллаш амалиёти мавжуд эмас. Таҳлиллар натижаларига кўра, суд-тергов амалиётида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган порахўрлик

⁵ URL: <https://sso.agc.gov.sg/Act/PCA1960> (мурожаат вақти: 10.03.2026).

⁶ URL: <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2010/23/section/11> (мурожаат вақти: 10.03.2026).

жиноятларини квалификация қилишда жиноятлар мажмуи (ЖКнинг 33 ва 59-моддалари) масаласи жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Агар мансабдор шахс пора олиш (ЖК 210-моддаси) мақсадида давлат ахборот тизимига ноқонуний кириб (ЖК 278²-моддаси), ундаги маълумотларни ўзгартирса, бу ҳолат реал жиноятлар мажмуини ташкил этадими ёки порахўрликнинг ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалга оширилган усули сифатида битта модда билан қамраб олинадими? Бизнингча, албатта мазкур вазиятда, агар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш порахўрликнинг субъектив мақсадига эришиш учун хизмат қилса, масалан, электрон навбатни сунъий равишда ўзгартириш эвазига электрон ҳамёнга пул олиш, қилмиш Жиноят кодексининг 210-моддаси ва 278-4-моддалари билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиниши лозим. Чунки бу ерда тажовуз объекти иккита, яъни ҳам бошқарув тартиби, ҳам компьютер ахборотининг хавфсизлиги саналади.

Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 54-моддасида белгиланган жазони индивидуаллаштириш тамойили ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этиладиган порахўрликда ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Хусусан, мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари каби озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб порахўрлик жиноятларини содир этувчилар учун мутлақо самарасиз ҳисобланади. Интеллектуал жиҳатдан юқори салоҳиятга эга бўлган, рақамли инфратузилмани бошқара оладиган субъект жисмоний меҳнатга жалб қилинган тақдирда ҳам, ўзининг рақамли таъсир кучини йўқотмайди. Шу сабабли, бундай тоифадаги жиноятчилар учун жарима санкцияларини (пора суммасининг криптоактивлардаги қийматига нисбатан бир неча баробар миқдорда) ва муайян ҳуқуқдан, яъни ахборот тизимларини бошқариш ва рақамли инфратузилмага кириш ҳуқуқидан

махрум қилиш жазосини мажбурий тарзда тайинлаш механизмини қонунчиликда мустаҳкамлаш зарур. Жазо тайинлаш ва жиной-хуқуқий таъсир чораларини қўллашда рақамли пора предметини мусодара қилиш институти Ўзбекистон жиноят ҳуқуқида энг катта бўшлиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига асосан ашёвий далил сифатида эътироф этилган криптоактивларни давлат даромадига ўтказиш амалда мумкин эмас, чунки рақамли ҳамённинг махфий калити (private key) фақатгина айбдорга маълум бўлади. Бунинг ечими сифатида, жазо тайинлаш амалиётида “Муқобил мусодара” (Alternative confiscation) институтини жорий этиш таклиф қилинади. Агар айбдор рақамли пора предметини давлатга ихтиёрий равишда ўтказиб беришдан (калитни тақдим этишдан) бош тортса, суд мусодара қилиниши лозим бўлган криптоактивнинг жиноят содир этилган ёки ҳукм чиқарилган кундаги миллий валютадаги эквивалентини айбдорнинг реал ҳаётдаги бошқа қонуний мол-мулкларидан ундириш (мусодара қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Мазкур параграфда олиб борилган тадқиқот натижалари ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун жазо тайинлаш билан боғлиқ қонунчилик ҳамда амалиётдаги мавжуд муаммоларни аниқлаштириш ва асослашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида» 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1449106> (мурожаат вақти: 10.03.2026).
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида» 1999 йил 24 сентябрдаги 19-

сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1449106> (мурожаат вақти: 10.03.2026).

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида» 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1449106> (мурожаат вақти: 10.03.2026).

4. URL: <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL> (мурожаат вақти: 10.03.2026).

5. URL: <https://sso.agc.gov.sg/Act/PCA1960> (мурожаат вақти: 10.03.2026).

6. URL: <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2010/23/section/11> (мурожаат вақти: 10.03.2026).